



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Қ-327 -son

Termiz sh.

Шеробод тумани Наврўз массиви худудидан "GOLDEN AUTUMN" МЧЖга сабзавот экинлари экиш, боғ барпо этиш ва енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-05/265-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2021 йил 11 мартдаги 01-05/63-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани Наврўз массиви худудидан "GOLDEN AUTUMN" МЧЖга томчилатиб суғориш усулида мева-сабзавотчилик ва боғ барпо этиш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 198-дала контуридаги жами 66,32 гектар шундан 66,12 гектар лалми ва 0,20 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари, шундан 30,12 гектарига сабзавот экинлари экиш, 30,0 гектарига боғ барпо этиш ва 0,2 гектар йўллар учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 6,0 гектарига енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "GOLDEN AUTUMN" МЧЖ бошлиғи Ў.Тўраназаровга:
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов